



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi 4-uy  
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д. 4,  
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

2018 й.г. "22" сент.р.г.

№ 2614-р.г.

Ishtixon sh.-г. Иштыхан

Тумандаги "Бойлата" МФЙ "Октера" кишлоғи худудидан давлат хусусий шерикчилик асосида "Болалар боғчаси" куриш учун Мардонов Ҳабибга ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2018 йилдаги "Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3651-сонли Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"ни 36- моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни маълумот учун қабул қилинсин. туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Мардонов Ҳабибга "Бойлата" МФЙ "Октера" кишлоғи худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобидаги 474-контур ер майдонидан 50 (эллик) ўринли давлат хусусий шерикчилик асосида "Болалар боғчаси" куриш учун 0.15 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Мардонов Ҳабибга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик ҳулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг руҳсати олингандан сўнг, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б(М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га "Болалар боғчаси" бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов